



Ислом Нури

Аллоҳ таоло Исро сурасининг 36- оятида шундай дейди: «(Эй инсон), **ўзинг аниқ билмаган нарсани гапирма, чунки қулоқ, кўз, қалб - буларнинг барчаси тўғрисида** (ҳар бир инсон) **масъул бўлур** (яъни, эшитган, кўрган ва ишонган ҳар бир нарсаси учун киши қиёматда жавоб берур)»

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абу Муса ал-Ашъарий розияллоҳу анҳу айтадилар мен:

- Ё Расулуллоҳ, мусулмонлар ичида энг афзали ким? дедим.

- «Ким мусулмонларга тили ва қўли билан озор бермаса ўша киши афзалидир» деб жавоб бердилар.

Муттафақун алайҳ бўлган бошқа ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Банда (ўйланмасдан) бир калима гапириб юборади натижада - шу калима сабабли - жаҳаннамга машриқ билан мағриб орасидан ҳам узоқроқ масофага тойиб тушади», деганларини эшитдим дейди.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Суфён ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу:

- Ё Расулуллоҳ, мен уни маҳкам тутишим керак бўлган бир ишни айтинг дедим.

- Аллоҳга иймон келтирдим денг, сўнгра тўғри бўлинг» (яъни, Аллоҳ буюрган ва қайтарган амалларни божаришда ажалингиз келгунча мустаҳкам туринг), дедилар. Мен яна:

- Ё Расулуллоҳ менинг ҳақимда энг қўрқадиган нарсангиз нима?



Ислом Нури

дедим. Ўз тилларини ушладилар, кейин:

- «Мана шу», дедилар.

Имом Термизий ривоят қилган яна бир ҳадисда Уқба ибн Амир розияллоҳу анҳу Ё Расулуллоҳ «Нажотга қандай эришилади?» деб сўрадим, дейди.

«Тилингизни тийинг, уйингизга сиғинг ва гуноҳингизга йиғланг», дедилар.

Шарҳ:

Тилни беҳуда ва шариат ҳаром қилган ёлғон сўзлаш, ғийбат, чақимчилик ва бўҳтон қилиш каби амаллардан сақлаш дунё саодати ва охират нажотига сабаб бўлади. Салафлардан бири шундай деган экан: Мўмин киши кам гапириб, кўп амал қилади. Кофир эса кўп гапириб, кам амал қилади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Мусулмонни дини тилини мусулмонлардан тийиш билан комил бўлади.
2. Тилни тийишнинг оқибати нажот.
3. Эътиборсизлик билан айтилган бир калима жаҳаннамга киришга сабаб бўлиши мумкин.